

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чика бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 10 июль • № 27 (646)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг дарамадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига энг кам:

иш ҳақи — ойига 33 645 сўм;
ёшга доир пенсиялар — ойига 66 660 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич (нулинчи) разряд — ойига 33 645 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 66 660 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилаётган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобида иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри, 2009 йил 8 июль.

И. КАРИМОВ.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Семинар

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТИББИЙ МУҲОFAZАСИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида соғлиқни сақлаш ва инсон ҳуқуқлари мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги тиббиёт муассасалари, ҳуқуқий идоралар, маҳаллий ҳокимликлар мутахассислари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутахассислари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациялари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари М. Ҳожибеков, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Марказий Осиё минтақасида юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича лойиҳаси координатори Ш. Гусейнов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотлар жараёнида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш ҳамда тиббиётнинг барча ютуқ ва имкониятларини инсон манфаатлари ва саломатлигини муҳофазалашга қаратилган

кенг қўламли ишлар ижобий самара бераётганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданқо, аҳолига ҳар томонлама малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг мустақам ҳуқуқий базиси яратилди. Тизимда жаҳон андозаларига мос ҳолда таъминланган шойилич тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати ташкил этилди. Уч миңдан зиёд кишлоқ врачлик пункти фаолияти йўлга қўйилди. Иштирослаштирилган тиббиёт илмий марказлари қўлами тобора кенгаймоқда.

Халқимизнинг яратилаётган бундай қўлайликлардан фойдаланиш борасида ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан аҳолининг соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларини муҳофазалаш, бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этишда тегишли вазирлик ва тиббиёт муассасалари мутахассислари, ҳуқуқни муҳофазалаш идоралари ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг саяё-ҳаракатларини мувофиқ-

лаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Омбудсман томонидан Жиззах вилоятида репродуктив ёшдаги аёлларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқларининг таъминланишини ўрганиш бўйича мониторинг олиб борилди. Фарғона, Наманган, Андижон ва Самарқанд вилоятлари тиббиёт масканларида ва тиббий реабилитация муассасаларида беморлар ва ногирон болаларга хизмат кўрсатишда ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш билан боғлиқ ишлар таҳлил этилди. Аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқларини муҳофазалашда Омбудсманга ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига келаётган мурожаатларни чуқур ўрганиш, жойларда бу борада йўл қўйилган камчиликларни атрофлича таҳлил этиш, тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган ўз самарасини бермоқда.

Бу йўналишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, шифокор ва бемор муносабатларида ҳуқуқий меъёрларга тўла амал қилинишини таъминлаш мақсадида тиббиёт ва ҳуқуқ тартибот муассасалари, жамоат ташкилотлари мутахассислари ҳамкорлигида жойларда мунтазам семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Намоз ТОЛИПОВ.

Давра суҳбати

ЭКОЛОГИК ҲАВФСИЗЛИК ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ташаббуси билан «Нуқулэй экологик муҳитнинг инсон саломатлигига салбий таъсири: муаммолар ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши депутатлари, табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, олим ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Оролбўйидаги экологик вазият ҳудуддаги аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга атроф-муҳитга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам сезиларли даражада зиён етказмоқда. Шунинг учун ҳам Оролбўйида инсон саломатлигини муостаҳкамлаш, тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламлари ижтимоий муҳофазаси қилиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида Оролбўйи аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, турмуш даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда қўрилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда бу ерда 296 та тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур саломатлик масканлари зарур тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар

билан таъминланмоқда. Аҳоли, хусусан, аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишлар ҳам эътиборга молик.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И. Насриев, Ўзбекистон экологик ҳаракати раиси ўринбосари А. Мавлонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ижтимоий ривожланиш ва жамоат ташкилотлари қўмитаси раиси К. Рейимов, Оролбўйи генерал-губернатори муҳофазаси қилиш жамоатчилиги хайрия жамғармаси директори Ҳ. Абдурахмонов ва бошқалар Оролбўйидаги экологик вазият ва унинг оқибатлари глобал аҳамиятга эга экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга айланиб бораётганини таъкидлади. Минтақада ичимлик суви сифатини, санитария ва гигиена ҳолатини яхшилаш, касалликларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофазаси қилишга йўналтирилган тадбирлар самарадорлигини ошириш мавзусидаги маърузалар тингланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати.

Абитуриент — 2009

СИНОВЛИ ДАҚИҚАЛАР АРАФАСИДА

Саноқли кунлардан сўнг мамлакатимиз олий ўқув юрларида абитуриентлар учун синовли дақиқалар, яъни олинган билимларни сарҳисоб қилиш вақти келади. Чунки, ҳар бир инсон орзу қилган касбининг мохир билимдони бўлиш йўлида тинимсиз излана-

Айни кунларда 2009-2010 ўқув йили учун республикамиз олий ўқув юрларида абитуриентларни қабул қилиш ишлари қизғинлик билан олиб боришмоқда. Институтда ҳужжат топшираётган абитуриентларнинг касбий фаолиятни эгаллашга бўлган иштиёқ ва қизиқишлари ҳар йилгидан кўра анча юқори эканлигининг гу-

кулайликлар, таълим олишлари учун етарли шарт-шароитлар бемасамар кетмаётганлигига амин бўлди. Эътиборлиси шундаки, бу йилги абитуриентлар қатнови анча фаол, таълим олишга бўлган иштиёқ эса юқори. Фаолиятларга янада чуқурроқ кириш мақсадига қабул комиссияси масъул котиби Хусниддин Раҳматуллаев

ди, турли адабиётларга мурожаат қилиб, давлат имтиҳонларини аъло даражада адо этиш учун бор илму салоҳиятини ишга солади. Бу кимларгадир мураккаб жараёндек туюлиши мумкин, аммо ўз кучи ва имкониятига ишонган одам учун бир лаҳзалик ҳаяжондек бўлиб кўринади.

сида қабул қилинади. Институтимизда 2009-2010 ўқув йили учун бакалавр босқичида касбий таълим, педиатрия иши, олий ҳамширалик иши факультетларига ҳужжатларни топшириш давом этмоқда. Дипломдан кейинги таълим — магистратура босқичида 21 та йўналиш бўйича жами 132 нафар талабани қабул қилиш режага киритилган. Ҳар иккала босқичда ҳам қабул жараёни тезкор ва уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Айтиш жоизки, бу ерда абитуриентлар учун барча шароитлар яратилган. Кутиш, маийши ва ота-оналар учун махсус хоналар ажратилган. Ҳамма фанлар бўйича маслаҳат режалари ишлаб чиқилган. Ҳар бир бўлимнинг бўлимчиси бўлганидек, ахборот марказимиз орқали қўндалик маълумотлар тизимли равишда тегишли ташкилотларга юборилмоқда.

Мақсадимиз — тест синовларида қадар ҳужжат топшириш жараёнини адолатли ва холис таразда олиб боришга эришиш.

Акмарал КАЛБУТАЕВА, тиббий-педагогика факультети техник ходими: — Абитуриентларни қабул қилиш ишлари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Эндигина мактаб, лицей ёки касбхуна коллежини тугатиб келган ўқувчида шифокорлик касби бўлган иштиёқни кўриб, хурсанд бўламан. Улар мажбурият ёки ота-оналарнинг қистови билан эмас, балки ўз хо-ҳишлари асосида ҳужжат топширгани келишмоқда. Мана шу кунга қадар абитуриентларимиз сони юздан ошиб қолди. Биринчи ҳужжат топшираётган ўқувчиларга институт ҳақида, кела-

жакдаги фаолият ишлари тўғрисида маълумот бериш асосий вазифаларимиздан бирига киради.

Синовли дақиқалар яқинлашгани сари абитуриентларнинг ҳаяжони ортиб боради. Педиатрия иши факультетига катта қизиқиш билан ҳужжат топшириб чиққан абитуриент Шаҳноза Худойбергеновани суҳбатга тортдик:

— Мен келгусида болалар шифокори бўлмоқчиман. Болаликдан оқ халат кийиш орзуим эди. Ўқиш давомида зарурий фанларни мукамал эгаллашга ҳаракат қилдим. Юртимиз-

матлиги йўлида хизмат қилиш ниятидаман.

Тошкент фармацевтика институтида бўлганимизда, қабул комиссиясига ҳужжат топшираётган абитуриентлар фаоллиги эътиборимизни тортди. Мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳолини сифатли ва ишончли дори воситалари билан таъминлаш ишларига ёшларнинг қизиқиши катта эканлигига амин бўлди.

— Институтда касб таълими фармацевтика, биотехнология, фармация, саноат фармацевтика, клиник фармацевтика ва косметичес-



воҳи бўлди. Шу маънода тиббиёт таълим даргоҳларидаги қабул комиссияларининг фаолияти билан танишиш мақсадига Тошкент педиатрия тиббиёт ҳамда Тошкент фармацевтика институтларида бўлди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтидидаги тезкор жараён, абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш қондалари, институт ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўргазмали стендлар ва қабул комиссиясига оид метёрий ҳужжатлар тахлими ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайдиган. Давлатимиз томонидан ёшларга яратилган бундай имконият ва

билан суҳбатда бўлди:

— Олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг дастлабки қадами абитуриентларнинг институт дарвозасидан ўтишлари билан бошланади. Улар тест синовлари орқали ўз билим савияларини кўрсатадилар ва энг муносиблари институт талабаси деган шарафли номга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул бўйича Давлат комиссияси қарорига мувофиқ бу йил институтга 410 нафар талаба, жумладан, уларнинг 170 нафари давлат гранти, 240 нафари эса тўлов-шартномаси асо-



да оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бўлган эътибор туфайли касб эгаллашга қизиқишим янада ортиб бормоқда. Қабулга киришдан олдин институт ҳаёти ва факультетлар фаолияти билан яқиндан танишиб чиқдим. У ерда талабалар учун яратилган шарт-шароитлар, қўлай имкониятларни кўриб, «талаба» бўлиш бахти насиб этиши ва халқимиз сало-

тика йўналишлари бўйича абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда, — дейди **қабул комиссияси масъул котиби Азиз Нурмухаммедов.** — Мазкур билим даргоҳида ҳам абитуриент ва ота-оналар учун имкониятлар кенг яратилган. Ҳозирга қадар 400 дан ортиқ ўқувчи-ёшлардан бакалавр босқичига ҳужжатлар олинди.

Абитуриентлар учун хал қилувчи дақиқалар яқинлашар экан, уларнинг ўз касбий йўналишидаги қизиқишларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, тест синовларидан муваффақиятли ўтиб олишларига омад тилаб қоламиз.

Намоз ТОЛИПОВ, Суратлар муаллифи Собир МАЖИДОВ.

АМАЛИЙ КЎМАК

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1096-сонли Қарори ижросини таъминлаш ва такомиллаштириш мақсадига республикадаги илмий-амалий тиббиёт, ихтисослаштирилган марказлар, илмий-текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари, етук олимлар ва тажрибали мутахассислардан иборат гуруҳ айни кунларда республикамиздаги қишлоқ врачлик пунктлари ва бир қанча тиббиёт муассасаларида бўлишиб, у ердаги тиббиёт ходимларига амалий ёрдам бермоқдалар.

Бундан қўзланган асосий мақсад — аҳоли ўртасида ва даволаш-профилактика муассасаларининг бирлашми бугунда ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, ҳисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантиришдан иборатдир.

Маъраб ХОЛБОЕВ.

Жараён

ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ — ТИББИЙ ЗАРУРАТ

Республика тиббиёт тизимида ислохотлар жараёни асосида фаолиятлар изчиллик билан олиб борилаётганлигига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурининг босқичма-босқич амалга ошириб келинаётгани ҳам аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат даражасининг янада ортиб боришига асосий омил бўлмоқда. Жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг виллоят филиаллари ҳамда туман бўлимларидаги халқ саломатлиги йўлидаги ишлар ҳам ўз самарасини бериб келмоқда.

Аввало халқимизга шошилиш ва тез ёрдам кўрсатишда асосан беморлар учун керакли шароит ва имкониятлар ҳамда янги технологиялар, шунингдек, малакали кадрларнинг заруратлиги давр талабига айланаётгани десам, янгилашмаган бўламан. Бунинг ифодаси сифатида айтиш жоизки, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг виллоят филиаллари бугунги кунда замонавий апаратуралар ва малакали кадрлар билан таъминланиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб бормоқда. Шундан экан, бизнинг Қўнғирот туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилиш

ёрдам кўрсатиш бўлимида ҳам ишлар изчиллик билан олиб боришмоқда. 30 ўринга мўлжалланган бўлимида қабулхона, реанимация, хирургия, терапия ва болалар бўлими фаолият кўрсатиш келмоқда. Унда 2 та операция блок мавжуд. Иккинчи хирургия зали шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг талаби бўйича, яъни хирургик амалиётни бажариш мақсадига тўлиқ керакли замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Жумладан, замонавий ЭКГ, УЗИ, фиброгастророскоп, иккита сунъий нафас ва наркоз берувчи апаратуралар билан бира, операция тўпamlари фаолиятимиз жараёнида муҳим роль ўйнамоқда.

Шунингдек, туман аҳолисига тез тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадига Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «УАЗ» ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жағғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан иккита «DAMAS» русумли махсус санитар автомобиллари берилди. Жумладан, битта «DAMAS» автомобиласи Елобод посёлкаси фуқаролари учун, яна бири эса Қорақалпоғистон посёлкаси аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Кўпчилик қишлоқ врачлик пунктлари билан телефон алоқаси ўрнатилган. Фаолиятдаги икки машинада рация алоқаси мавжуд.

Кейинги пайтларда кўпчилик кўришча, ўт қопида тош йиғилиши натижасида унинг тешилиб кетиши, ичакнинг ўрилиб қолиши сингари операциялар бўлимида нинг тажрибали тиббиёт ходимлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Бўлимида ўтган 2008 йил мавбодидан 2536 ва шу йилнинг I чорагида 473 нафар бемор даволаниб чиқди.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, амалиётда бажараётган мураккаб операция жараёнларида кўнгилсиз ҳолатлар юзга келмаслиги учун Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиали мутахассислари билан кейинги йилларда жорий этилаётган даволаш усуллари бўйича тажриба алмашиб келмоқдамиз.

Ишларимиз самарадорлигини ошириш мақсадида кадрлар малакасини бойитишга катта эътибор қаратилган.

Юқоридаги ишлар қаторида мавжуд муаммо ва камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Бунинг учун олдимизда турган асосий вазифа инсон саломатлиги йўлида хизмат қилиш экан, бу йўлда шифокор қасамдига ва бурчига вайжондан ёндошмоғимиз лозим.

Латип МАДИЯРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими мудири, олий тоифали шифокор.

Карор ва ижро

КЕЛАЖАК АВЛОД
СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустахкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сонли қарорини амалга ошириш борасида республика тиббиёт муассасаларида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шундай экан, тиббиётнинг асосий масалаларидан бири турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизларни тиббий қўриқдан ўз вақтида ўтказиб, уларни соғлом бўлиши, никоҳ гигиенаси ҳамда келажакда дунёга келадиган соғлом фарзанд қаҳидаги билимлардан хабардор қилиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, ёшлар 18 ёшдан кейин оилавий ҳаёт қуришлари мақсадга мувофиқдир. Никоҳ қуриш аввало фарзанд қуришдек мураккаб физиологик жараён билан алоқадор бўлганлиги сабабли, жуда эрта турмуш қуриш кўпгина пуштилликка, боланинг ой кўни етмай туғилишига, шунингдек, ҳомиланинг нотўғри ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Қизлар ва йигитлар 20 ёшдан кейингина анатомик ва физиологик жиҳатдан бугундай камолотга етди, шунинг учун кўпгина мутахассис олимларнинг маълумотларига кўра қизлар 20-23, йигитлар эса 23-25 ёшда турмуш қургани, келин ва кўёв орасидаги фарқ 3-5 ёшгача бўлгани маъқул. Ҳар бир янги оила бахтли, соғлом фарзанд туғилиши учун, аввало никоҳланувчилар соғлом бўлимоғи лозим. Бунинг учун оила қуришга шайланган ёшлар аввал тиббий қўриқдан ўтиб, сўнг никоҳланишлари керак. Шу ўринда республика ва унинг вилоят туманларида тиббий қўриқдан ўтиш учун маслаҳатхоналар ташкил қилинган. Шундай экан, мақсадга эришиш учун ҳар бир поликлиника ва аёллар маслаҳатхона мутахассислари, шифокорлар бўлажак келин-кўёвларга гигиеник тавсиялар бериб боришлари мумкин. Бунинг баробарида бўлажак келин-кўёвларга спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, тамаки чекиш, гиёҳвандлик каби зарарли одатлар инсон саломатлиги ва наслига жуда катта таъсир этиб, натижада носоғлом болалар туғилиши мумкинлигини мисоллар билан тушунтириб бериш, бевосита тиббиёт ҳодимларининг бурчидир. Соғлом турмушнинг издан чиқарадиган ирсий касалликларга сабабчи бўладиган салбий урф-одатлардан бири, яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдир. Жисмоний нуқсонлар билан туғилган болалар асосан яқин қариндошлар ўртасида никоҳланган оилаларда кузатилади. Шунинг учун улар, албатта, тиббий қўриқдан ўтиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг

қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1096-сонли Қарорининг асосий моҳияти шундан иборатки, соғлом онадан соғлом фарзанднинг дунёга келишида тиббий қўриқнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, уларнинг саломатлиги жамият тараққиётининг асосий пойдевори эканлиги фикримизнинг яққол далилидир. Шундай экан ҳомилдор аёл маълум санитар-гигиена қоидаларига, тўғри овқатланиш, меҳнат ва дам олиш тартибларига риоя қилмаса, аёллар маслаҳатхонасига мунтазам катнаб, шифокор кўрсатмаларини бажармаса турли касалликлар: камқонлик, ҳомила яхши ўсмаслиги, бола тушиши, чала туғиш хавфи келиб чиқиши мумкин. Ҳомилдорликнинг нормал кечиши, бўлажак фарзанднинг саломатлиги кўпгина онанинг ўзига боғлиқ эканлигини ҳеч бир аёл унутмаслиги керак. Ҳомилдор аёл шифокор ҳузурига биринчи келгандаёқ, у ҳар тарафлама қандай касалликлар билан оғирлигини, ўй, иш шароитлари, аввалги ҳомилдорлик ва туғруқнинг қандай ўтганини, фарзандларининг соғлиги батафсил текширилади. Аёл фақат гинеколог қўриқдан ўтибгина қолмай, бошқа соҳа шифокорлари: терапевт, кўз ва тиш мутахассиси текширувидан ҳам ўтади. Бундай назоратли текширувлар натижасида ҳомилдорлик ва туғиш аёл соғлиги учун хавфли ёки хавфсизлиги ўз вақтида аниқланади. Агар аёлда бирорта сурналани касаллик бўлиб, ҳомилдорлик ва туғруқ унинг ҳаётига хавф солса, врач маслаҳати билан аборт қилдириш тавсия этилади, лекин икки касалликлар барвақт аниқланиб даво қилинса, ҳомилдорлик нормал кечиши, бола ва она саломатлигига зиён етмаслиги аниқ. Шунинг учун аёллар маслаҳатхонасига аёл бўйида бўлган биринчи ойдан оқ бориши керак. Аввало аёл болалик ва ўсмирлик давридан соғлигини сақлаши, мунтазам равишда шифокор текширувидан ўтиб, бирор икки касаллиги бўлса, бўйида бўлмасдан илгаридеқ даволаниши мақсадга мувофиқдир.



Маълум мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўплаб-қулайлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Соғлом оила-жамият мустахкамлиги ва мамлакат барқарорлиги омили» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Аёллар маслаҳатхонасининг муҳим вазифаларидан бири ҳомилдор аёлларни туғруққа тайёрлашдир. Туғруқнинг энгил ўтиши, она соғлиги сақланиши ва чақалоқ соғлом туғилиши кўп жиҳатдан ҳомилдор аёлни туғруққа руҳан тайёрлашда алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, ҳомилдор аёлнинг фарзанди муаммоларсиз дунёга келишида унинг оила аъзолари ва турмуш ўртоғининг ҳиссаси каттадир. Бунинг учун бўлажак ота турмуш ўртоғини назорат қилиб бораётган шифокор билан учрашиб, лозим бўлганда эрта-роқ туғруқхонага ётқизиш ҳақида маълумотга эга бўлиши шарт.

Она ва бола соғлом бўлишининг зарур шартларидан яна бири туғруқлар орасидаги муддатни сақлашдир. Оралик камиди 3 йил бўлиши лозим, чунки туғруқлар орасидаги муддатни сақлаш натижасида, аёл саломатлиги тўлиқ тикланади, болага эътибор бериш имконияти ортада ва бола соғлом ўсади. Навбатдаги фарзанднинг дунёга келиши ва яхши ўсиши учун шартин яратилади. Яна шунга қарай эътиб ўтиш лозимки, туғруқлар оралигининг қисқа бўлиши онда камқонлик ривожланиши ва аёл организми касалликларга берилувчан, шунингдек, навбатдаги ҳомилдорлик туфайли олдин туғилган фарзандни кўрак билан эмизишни давом эттириб ҳамда ҳомиланинг ривожланиши ва ўсиши учун озиқ моддалар етарли даражада бўлмаслиги каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Қолаверса, бундай ҳолатларда олдин туғилган бола-ни парвариш қилишга эътибор пасаяди ва унинг касаллигида мойиллиги ортади. Туғруқлар оралиғидаги муддатни сақлашга ҳомилдорликдан сақланиш воситалари ва усулларидан фойдаланиш ёрдам беради.

Юқоридаги фикрлардан ҳулоса қилиб айтганда бундай соғлом онадан соғлом фарзандларнинг дунёга келиши тиббиёт ҳодимлари билан бир қаторда, ҳомилдор аёл ва унинг оила аъзоларига ҳам катта масъулият юклайди. Бунинг учун аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб, халқнинг тиббий савиясини янада оширишга биргаликда ҳаракат қилишимиз даврининг муҳим талабларидан бирига айланмоқда.

Р. МУРЗАГАРИЕВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти
Тошкент шаҳар филиали
мутахассиси.

Семинар

ФАН ЮТУҚЛАРИНИНГ
ТИББИЁТДАГИ ИСТИҚБОЛИ

Ядро физикаси илми юксалиши жамиятнинг кўплаб соҳалари қатори тиббиётнинг янада ривожланишини таъминлаш, хасталикларни бирламчи босқичларда аниқлаш ва самарали даволаш имкониятини бермоқда. Жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқларидан мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шифо масканларидаги замонавий ташхис воситалари ёрдамида диагностика ва даволаш ишлари кўпми тобора кенгаймоқда.

Пойтахтимиздаги Республика иختисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида тиббиётнинг маъруза йўналишида қўлга киритилаётган ютуқлардан онкология ва кардиология соҳасида фойдаланиш истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда Германия, Чехия, Россия, Эстония, Грузия, Украина, Польша, Латвия, Литва, Тожикистон сингари давлатлардан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Тадбирда Республика иختисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С. Исмоилов инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда кўпми кенгайтириш жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари-га оид Фармони бу жабҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Маъруза Фармонда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ижро этилаётганини шифо масканларининг мод-

дий-техник базасини мустахкамлаш, замонавий тиббиёт ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш, илм-фан фаолиятини такомиллаштириш ва янги ихтиролардан даволаш жараёнларида самарали фойдаланишга хизмат қилмоқда. Бу борада халқаро ташиқлотлар ва жаҳондаги нуфузли илм-фан марказлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда MAGATE ҳамкорлигида қарийб тўрт йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган қўшма дастур бунга мисолдир. Ушбу лойиҳа доирасида пойтахтимиздаги академик В. Вохилов номидagi иختисослаштирилган хирургия маркази ва Республика иختисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига замонавий диагностика воситаси олиб келинди. Ушбу аппарат ёрдамида қалқонсимон без, жигар, буйрак, юрак, мия, суяклар ва бошқа аъзоларда кечаётган жараёнларни тез ва сифатли аниқлаш имкониятлари янада кенгайди.

Дарҳақиқат, семинар давомида жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқлари, қалқонсимон без, юрак ва онкология хасталикларни бирламчи босқичларда аниқлаш ва даволаш билан боғлиқ долзарб вазифалар тўғрисида атрофлича фикр айтилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Тадбир

СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ

Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз туманидаги Бегуний номли дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳида «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими томонидан «Соғлом ҳаёт сари» шиори остида маънавий-маърифий спорт тадбири бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят соғлиқни сақлаш саломатлиги, Республика саломатлиги ва тиббий статистика институти вилоят филиали ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда республикамизнинг турли бурчакларида ёғи таътиллари мароқли ўтказиб 500 нафардан ортиқ ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Шу кунги ёғи дам олиш оромгоҳи тарбиячи ва тарбияланувчилари тиббий билимларини ошириш мақсадида «Гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари», «Чекишнинг зарарли томонлари», ОИВ/ОИТС профилактикаси, соғлом турмуш тарзи мавзусида семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Дам олиувчилар гуруҳларга бўлиниб гиёҳвандлик умр заволи, чекиш ва тамакининг зарари тўғрисида ўз билимларини виқторина

саволлари орқали намоёниш этидилар. «Қуёноқ стартлар» беллашуви орқали эса спортнинг инсон саломатлиги учун муҳим омил эканлиги эътиҳил, чакқонлик, кучлилик каби бахсларда ўз ифодасини топди.

Шунингдек, тадбирда вилоят ОИТС маркази ҳамда вилоят наркологи диспансери шифокорлари томонидан «Соғлом ҳаёт сари» мавзусида маърузалар ўқилди. Жамғарманинг вилоят бўлими томонидан оромгоҳга спорт анжумлари, доридармонлар, гигиена воситалари, соғлом турмуш тарзини тарғибот этишчи буклетлар топширилди.

Бу каби тадбирлар вилоятнинг Китоб ва Яққабот туманларидаги оромгоҳ ва қасб-хуна қоллежларида ҳам ўтказиб келинмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ.

СОТРУДНИЧЕСТВО –
ЗАЛОГ УСПЕХА

С целью обзора хода реализации проекта «Здоровье-2» и продолжения подготовки проекта «Здоровье-3» с 6 июля в Узбекистане начала работать миссия Всемирного банка. Специалисты Всемирного банка будут встречаться и обсуждать ход реализации проекта с руководителями Министерства здравоохранения, Министерства финансов, а также с представителями других министерств и организаций, вовлеченных в реализацию проекта «Здоровье-2». Работа миссии Всемирного банка в Узбекистане продолжится до 20 июля.

Ф. ФУЗАЙЛОВ.

Хурматли
муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтими (www.uzssgt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меърий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, uzss@med.uz, uzss@yandex.ru, uzss@inbox.ru манзилга хатлар йўллашингиз мумкин.

Ота-оналарга маслаҳат

ЧАҚАЛОФИНГИЗ СИЗНИ ҚАНДАЙ ЭШИТАДИ?

Бола туғилган вақтда унинг кўриш қобилияти жуда суст бўлади. Агарда катта одам энг аввало кўзи билан дунёни кўрса, бола эса уни эшитади ва ҳис қилади. Кўришдан фарқли равишда болангизнинг эшитиш қобилияти у туғилишдан анча олдин ривожланган бўлади. Болакай дунёга келишига қадар бир неча ой олдин товушларни эшитади ва уларни фарқлай олади. Ташқи дунёда ҳатто ҳеч қандай ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ҳолда у онаси қорнидаги вақтда эшитган оҳангни ёки ўқиган воқеани танийди.

Ҳали туғилганига бир соат ҳам бўлмаган бола бошқа аёллар овози ичидан онасиникини осонгина ажратиш олади. У пичирлашлар, қушларнинг сайраган овози, самолёт товуши ва ҳатто унинг каравотига яқинлашган вақтингизда гилам бўйлаб охишта ташлаётган қадамларингизни ҳам эшитади ва фарқлай олади.

Бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ бир нарсани иккинчисидан ажратиш олиш ва улар жойлашган ерни аниқлаш учун эшитиш қобилиятидан фойдаланади. Чақалоқ товуш қаердан келаятганили ва унга таниш бўлса, ҳатто хонада ким ёки нима борлигини аниқлаши мумкин.

Гап шундаки, физиологик жиҳатдан чақалоқлар бош мия пўстлоқ қобиғининг эшитиш қобилиятига жавоб берувчи қисми у дунёга келишига қадар жуда яхши ривожланган бўлади. Табиийки, товушларнинг кўпчилигини чақалоқ биринчи бор эшитади ва бу унинг мияси учун жуда қийин вазифа ҳисобланади. Мазкур босқичда бола товушларни у кўраётган ва ҳис қилаётган ту-



шунчалар билан боғлаб олишни бошлаши зарур. Сиз эшитаётганларини тушунишга ўргатиб, унга озгина ёрдам беришингиз лозим. Бизда янги туғилган чақалоқ оддий товушлар битта такрорланадиган мусикий нота ёки бир оҳангдаги ритмик тақиллашни енгилроқ қабул қилади, деган янглиш фикр мавжуд. Бироқ олимларнинг асослаб беришларича, бола инсон, айниқса она овози сингари мураккаб товушларга кўпроқ аҳамият берадиган экан. Ахир овозлар турлича янграши мумкин: секин ва

каттик, паст ва баланд, тез ва охишта. Булардан ташқари, ҳар бир инсоннинг овози унинг юзи каби такрорланмасдир. Янги туғилган чақалоқнинг миясини машқ қилдириш учун бу жуда қизиқарли, мароқли ва гаройиб материал. У билан кўпроқ суҳбатлашинг ва бу суҳбатларга болангизнинг отасини ҳам фаол

ойларга бориб бундай хатолар тўхтади – бола бу битта товуш эканлигини тушуниб етати.

Бу босқичда бола жуда тез ривожланади, унинг дунё тўғрисидаги билимлари даражаси "кун сайин эмас, балки соат сайин" ўсиб боради. Эшитиш қобилиятининг ривожланиши кўриш қобилиятининг ривожла-



тушуниб етмаган бола тезда лабларингиз шакли, талаффуз қилаётган товушга қараб ўзгараётганлигини сезади. Хусусан, "О" ва "А" деганда лабларингиз шакли умуман бошқача бўлади. Тадқиқотчиларнинг исботларига қараганда, илк даврдан бошлаб ота-онаси билан фаол суҳбатлашган болалар ўз тенгқурларига қараганда биринчи товуш ва сўзларни анча эрта талаффуз қилар эканлар.

Мақола Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси мутахассислари кўмағида тайёрланди.

Кичик маслаҳат:

Болангизнинг эшитиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берувчи бир неча ўйинлар:

1. Шикилдоқни боланинг орқасида ёки ён томонида шикиллатинг ва қизиқувчан болангизни товуш манбаига қараб бошини буришга мажбур қилинг.
2. Хонанинг турли бурчакларидан болага мурожаат қилаётганда унинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб, овозингизни ўзгартирган ҳолда у билан гаплашишга ҳаракат қилинг.
3. Айрим товушлар борки, уларни болангиз ичингизда бўлган вақтдан бери билади. Унга бу товушларни танишга ёрдам беринг – ҳомилдорлик вақтингизда эшитган мусиқани қўйинг, уша вақтда унга овоз чиқариб ўқиган китобни ўқинг, баъзида унга анчадан бери таниш бўлган ушбу мусиқа болангиз йиғлаётган вақтда уни тезда тинчита олади.
4. Кўпроқ янги, қизиқарли товушларни эшиттиринг! Болани улар билан камраб олинг: қуйланг, эртак ўқинг, янги мусиқани қўйинг, суҳбатлашинг ва имкон қадар кўпроқ меҳрингизни беринг.

роқ жалб этинг. Ёдингизда бўлсин – у ҳаммасини эшитади ва ҳар бир товуш унинг ривожланишига ёрдам берувчи кашфийдир.

Дастлаб бола товушларни ҳар бир қулоғи билан алоҳида эшитади. Одатда унинг бир қулоғи товуш манбаига яқинроқ, иккинчиси эса узоқроқда бўлади. Шу сабабли бола мияси озгина "чалғиб", битта товушни иккита турли баландликда қабул қилади – биттаси баландроқ, иккинчиси пастроқ. Лекин, олти

ниши билан чамбарчас боғлиқдир. Дастлаб, бола биз сингари стереоскопик кўриш имконига эга бўлмай, атрофни ҳар бир кўзи билан алоҳида кўради. Лекин "стерео-эшитиш" қобилиятининг ривожланиши кўриш қобилияти янада тезроқ ривожланишига ёрдам беради. Масалан, сўзлар маъносини ҳали

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғарма фонднинг «Соғлом оила-жамият мустақамлиги ва мамлакат барқарорлиги омили» лойиҳаси асосида тайёрланди.

Аҳоли кенг қатлами учун

ҚОН БОСИМИ КЎТАРИЛИШИГА
ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

Юрак қон-томир тизими ҳақида

Инсонда юрак қон-томир тизими ёпиқ қисм ҳисобланиб, у қон томирлари ва шу томирларга қонни бир маромда ҳайдаб берувчи аъзо – юракдан ташкил топган. Қон босими 2 кўрсаткич билан белгиланади (масалан, 130/85 мм симоб устуни).

Юрак тўхтовсиз равишда ишлайди. У навбатма-навбат қисқариб ва бўшашиб туради. Юрак мушаклари қисқариб қонни ҳайдаганда томирларда босим ортади. Босимнинг энг юқори кўрсаткичи биринчи рақам билан ифодаланади (бизнинг мисолимизда 130). Юрак мушаклари бўшаганда эса, томирларда босим пасаяди. Босимнинг энг кичик кўрсаткичи иккинчи рақам билан ифодаланади (бизнинг мисолимизда 85). Меъёردа қон босими одамнинг ёшига мос равишда ошиб боради. Лекин 130/90 мм симоб устунидан ошмаслиги керак.

Агар босим бу кўрсаткичдан юқори бўлса, қон босими кўтарилган ҳисобланади. Бу тиббий ёнда "гипертония" деб атала-

ди. У иккита сўздан олинган бўлиб, гипер – юқори, тония – босим деган маънони билдиради.

Қон босимининг кўтарилиши инсон ҳаётига хавф солиши мумкинми?

Қон босими ошган кишиларда мияга қон қуйилиши (инсульт) ва юрак инфаркти хавфи соғлом одамларга нисбатан 4-7 марта юқори бўлади. Бу касалликлар инсонни ногиронликка ёки кўнглисиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Қон босимининг кўтарилиши қандай намойён бўлади?

Аксарият ҳолларда касалликнинг белгилари намойён бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар йили камида 2 марта қон босимини ўлچатиб туринг.

Касаллиқнинг дастлабки белгилари:

- * бош оғриши ва бошнинг энса қисмида оғриқ ҳис қилиш;
- * бош айланиши;
- * кўз олдида қолдузчаларнинг учиб юриши;
- * ҳолсизланиш;
- * асбейлик;
- * уйқунинг бузилиши;
- * қулоқнинг шангиллашидан

иборат.

Кўпинча бу ҳолатларга одамлар жиддий аҳамият беришмайди. Бу эса касаллиқнинг ривожланишига олиб келади.

Гипертония касаллигининг юзага келиш сабаблари:

- * кам ҳаракатлик;
- * семизлик;
- * ёғли, гўшти, шўр таомлар ва ширинликларни хаддан зиёд кўп истеъмол қилиш;
- * доимий асаб бузилишлари ва руҳий изтироблар;
- * кашандалик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, носоғлом турмуш тарзи.

Соғлом бўлай десангиз

- Ёш улғайиб борган сайин овқатлар миқдорини:
- * ҳайвон ёғи (думба, чарви)дан тайёрланган таомлар;
- * хамирли таомлар ва пишириллар;
- * шакар ва турли хил ширинликлар ҳисобидан камайтиринг.
- Ушбу таомлар кучли қувват манбаи ҳисобланиб, танада парчаланиб ва сарфланиб улгурмаса, тери ости, тана аъзолари атрофига ва қон томирларнинг ички қисмида ёғ ҳолида йиғилишига сабабчи бўлади.



* Кўпроқ сут маҳсулотлари (қаймоқ, пишлоқдан ташқари)ни истеъмол қилинг. Улар тана учун зарур оқсил ва кальций моддасининг манбаи ҳисобланади;

* ҳомлигича ейиш мумкин бўлган мева ва сабзавотларни; шу жумладан, кўкатларни кўпроқ истеъмол қилинг. Улар витамин ва минерал моддаларининг манбаи бўлиши билан бирга, ичакнинг доимий тозаланиб туришига ёрдам беради, қабзиятнинг олдини олади;

* жисмоний ҳаракатни кўпайтиринг, овқатлангандан сўнг очик ҳавода кўпроқ юринг;

ҳий изтироблардан ўзингизни эҳтиёт қилинг;

* тамаки чекманг! Агар чеккаётган бўлсангиз, уни ташлашга ҳаракат қилинг;

* спиртли ичимликларга ружу қўйманг;

* ҳар кунги камида 35-40 дақиқа пиёда юринг;

* бадантарбия билан шугулланинг. Жисмоний фаоллик йиғилиб қолган ёғ моддалари парчаланishiга олиб келади;

* ҳаётингиз давомида тана вазни меъёридан ошиб кетишига йўл қўйманг!

Мақола «Саломатлик» лойиҳаси ва Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида тайёрланди.

Конспект врача

КЛИНИКА, ДИАГНОСТИКА
И ЛЕЧЕНИЕ ПОЯСНИЧНОГО СТЕНОЗА

Поясничный стеноз – это сужение центрального позвоночного либо корешкового канала или межпозвонкового отверстия (латеральные стенозы) на поясничном уровне. В формировании поясничного стеноза могут участвовать как врожденные, так и приобретенные факторы. Среди больных, оперируемых по поводу вертеброгенных поясничных синдромов, пациенты с поясничным стенозом составляют 5-6 %.

Поясничный стеноз включает врожденные (идиопатический) и приобретенные (дегенеративный, комбинированный, ятрогенный, посттравматический, обусловленный спондилолистезом) стенозы. Наиболее часто поясничный стеноз отмечается на уровне LIV-LV позвонка. При центральном стенозе компрессия корешков хвоста в дуральном мешке происходит за счет уменьшения размеров центрального канала позвоночника, что может быть вызвано как костными структурами, так и мягкими тканями. Передне-задний размер (сагиттальный диаметр) позвоночного канала на поясничном уровне в норме составляет 15-25 мм, поперечный – 26-30 мм. При сагиттальном диаметре от 10 до 15 мм могут возникать клинические проявления поясничного стеноза, однако чаще они проявляются при стенозировании до 12 мм. Стеноз менее 10 мм никогда не бывает бессимптомным, однако четкой корреляции между степенью стеноза и тяжестью клинических проявлений не существует.

Другой формой поясничного стеноза с принципиально иной клинической картиной является стеноз латерального recessus (корешкового канала). Латеральный выворот образован спереди заднебоковой поверхностью тела позвонка, а сзади – верхним суставным отростком. Компрессия корешка при этом чаще всего возникает за счет гипертрофии верхнего суставного отростка. При фораминальном стенозе ущемление корешка в межпозвонковом отверстии вызывается сублокацией фасеточного (дуготростчатого) сустава либо остеофитом. Сужение перечисленных структур может наблюдаться одновременно в различных комбинациях, вследствие чего нередко возникают смешанные формы поясничного стеноза.

Врожденный поясничный стеноз в большинстве случаев носит идиопатический характер. При этом отмечаются гипертрофированные размеры нижних суставных отростков и уменьшение сагиттального диаметра. Главной причиной приобретенного стеноза служат дегенеративные изменения позвоночника («дегенеративный стеноз»). Однако наиболее распространенной формой является комбинированный поясничный стеноз с сочетанием врожденных и приобретенных изменений. Обычно это идиопатический бессимптомный относительный стеноз, усугубляемый с возрастом дегенеративными изменениями.

Спондилолистез, приводящий к поясничному стенозу, может быть либо дегенеративным, либо ятрогенным. Ятрогенный стеноз возникает как осложнение хирургических вмешательств в отдаленном периоде и может быть обусловлен рубцовыми изменениями или воздействием инородных тел после спондилодеза. Редкими причинами поясничного стеноза могут быть эпидуральный липоматоз и болезнь Педжета.

